

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 10 (1189) 2019 йил 7 март

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтмига ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ОПА – СИНГИЛЛАР!



Ҳавас қилсин сизга юлдузлар,
Ой юзингиз нурларга тўлсин.

Банкир қизлар, тадбиркор қизлар,
Байрамингиз муборак бўлсин!

ТАДБИР

100 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ЛОЙИҲА



Шу йилнинг 28 февраль – 1 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

Таширф давомида давлатимиз раҳбари вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид кўплаб лойиҳалар билан танишиб, ҳудуд аҳли турмуш

даражасини янада обод қилиш юзасидан вилоят мутахассисларга кўплаб тавсия ва топшириқлар берди.

Айтиш жоизки, ушбу вазир

фалар ижросига айна дамда жиддий киришилмоқда. Жумладан, Наманган вилояти Поп туманида акциядорлик тижорат Халқ банки раҳбарияти иштирокида устувор вазибалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида учрашув ташкил этилгани фикримиз тасдиғидир.

Унда туман секторлари раҳбарлари, фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, тегишли ташкилот раҳбарларига “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурининг мазмун-моҳияти, бу борада тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар юзасидан маълумотлар берилди.

Қайд этиш жоизки, Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун 1 триллион сўм ажратилишини маълум қилганди.

(Давоми 2-саҳифада)

Қисқа хабарлар



SANOAT QURILISH BANK

“Ўзсаноатқурилишбанк” юқори фоизли “Муддатни танланг!” янги омонат турини таклиф этмоқда. Омонатнинг фоиз ставкаси 21 % бўлиб, унда муддатни танлаш имкони мавжуд. Яъни, мазкур депозитга пул маблағларини 3 ой муддатга қўйиб ҳам даромад олиш мумкин. Бунда устама ҳақ 16 %ни ташкил этади. Муддатнинг узокчилигига қараб, фоиз ставкаси ҳам ошиб боради.

Қулайликлардан яна бири шуки, омонатни расмий-

лаштириш учун банкка бориш шарт эмас. “UzPSB Mobile” мобил иловаси орқали бир неча сонияда бўш турган пул маблағларини омонатга жойлаштириш мумкин.

Омонатнинг минимал миқдори 1 млн. сўм бўлиб, фоизлар ҳар ой мижознинг ҳисоб картасига ўтказиб берилади.

AGROBANK

“Агробанк” баҳорнинг илк кунларини янги омонат турини тақдим этиш билан қаршилади. Баҳор байрамлари муносабати билан банк “Баҳор – 2019” номли миллий валютадаги янги омонат турини таклиф этмоқда. Ушбу омо-

натга маблағлар жорий йилнинг 1 мартидан 31 мартга қадар қабул қилинади. Унинг фоиз ставкаси 20-21 % бўлиб, минимал сумма 1 млн. сўмни ташкил этади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ой тўлаб берилади.

Шунингдек, “Агробанк” филиалларида UPT халқаро пул ўтказмаси ҳам иш бошлади.

“Инфинбанк” АТБ корпоратив облигациялар чиқарилишини эълон қилди. Мазкур облигацияларни чиқариш Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2019 йилнинг 26 февралда расман рўйхатга олинган.

Корпоратив облигациялар “Инфинбанк”нинг ички бозордаги ўз мавқеини мустақамлашдаги навбатдаги қадамидир. Рўйхатга олинган жами облигацияларнинг номинал қиймати 100 млрд. сўмни ташкил этади. Қим-

Infin BANK

матли қоғозларнинг муддати 2 йил бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 1 млн. сўмдир. Бу ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсларга ўз маблағларини инвестициялаш имконини беради. Даромади – йилига 16 %. Ликвидлилик тўлиқ кафолатланган.

Ушбу облигациялар жорий йилнинг 12 мартдан “Тошкент” фонд биржасига жойлаштирилади.

BANK IPAK YO'LI

“Ипак йўли банки” 3D-Secure хизматини мобил иловага қўшди. Яъни, эндилкида ушбу хизматни банк мобил иловаси орқали фаоллаштириш мумкин. Бунинг учун VISA карта бўлимига кириб, “3D-Secure”-

ни танлаб, “Доимий” ёки “Бир марталик” паролни танлаш кифоя. Қулайлиги шундаки, исталган вақтда “Доимий”дан “Бир марталик”ка ёки аксинча, тескарисига ўтиш имконияти мавжуд.

Эслатиб ўтамыз, мазкур хизмат халқаро карталар орқали интернет-дўконлардан харидларни хавфсиз амалга ошириш имкониятини беради.

УШБУ СОНДА

ИМТИЁЗЛАР
ЭКСПОРТГА
ХИЗМАТ
ҚИЛМОҚДА



2

МИЛЛИОНЕРГА
АЙЛАНАЁТГАН
АЁЛ



6

“АЙИҚ
БОЛА”
ИЗТИРОБИ



8

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири талабалари учун эълон қилинган махсус стипендия ва амалиёт ўташ танловига мувофиқ, ўтказилган 3 босқичли танлов натижаларига кўра, 320 нафар талабгор орасидан 40 нафар талаба Марказий банк стипендиясига муносиб деб топилди ва тўрт ой давомида Марказий банкнинг фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Марказий банк стипендиантлари аниқланди

28 февраль куни Марказий банкда стипендиантлар учун қабул маросими ташкил қилиниб, Марказий банк Раиси М.Нурмуратов раҳбарлигидаги Бошқарув аъзолари Марказий банк стипендиясига муносиб топилган барча талабаларни олий ўқув юртлирида олган билимларини амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлганликлари билан табриқлади.

Марказий банк фаолияти ва асосий вазифаларини тўлиқ тушуниб етиш учун ҳар бир стипендиант март ойидан бошлаб 4 ой давомида Марказий банкнинг турли департаментларида амалиёт ўтади.

Мазкур дастур кадрларни талабалик даражасидан бошлаб мақсадли равишда тайёрлаш ва макроиқтисодий сиёсат ва Марказий банк фаолиятига оид билимларини оширишни рағбатлантириш мақсадида кейинчалик Марказий банкка ишга жойлашиш имконини беради.

cbu.uz

Халқаро валюта жамғармаси иқтисодий ислоҳотларни маъқуллади

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Альберт Егер раҳбарлигидаги миссияси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши ва расмий органлар ишлаб чиққан ислоҳотлар режасини муҳокама қилиш учун Тошкентда бўлди. Миссия ташриф якуни бўйича қуйидаги баёнотни берди:

– Биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосланган иқтисодиётни ислоҳ қилишга доир комплекс режаларини маъқуллаймиз, – дейди Альберт Егер. – Ушбу режаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши иқтисодиётнинг сифатли иш ўринлари ташкил қилиш ва барқарор ўсишни таъминлаш қобилиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Иқтисодий ўсиш ҳақида айтиладиган бўлсак, бизнинг фикрларимиз ижобий.

интервью журналистов агентства «Азия-ПРЕСС» КОНФЕРЕНЦИЯ

PRESS CONFERENCE following the IMF mission visit on consultations under Article IV of IMF's Articles of Agreement

ПРЕСС-КОНФЕРЕНЦИЯ по итогам визита миссии Международного валютного фонда в целях консультации по статье IV Устава Международного ВФФ



Хусусан, юқалишининг учта асосий кўрсаткичлари Ўзбекистондан кузатилмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши, янги иш ўринларининг яратилиши ва ташқаридан инвестициялар киритилиши шулар сирасидандир.

Яна бир фикрни айтишим керак. 2018 йилда кредитлаш жараёни 50 фоизга ўсган. Бундай юқори кўрсаткич иқтисодиёт учун яхши натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Лекин, Ўзбекистон ислоҳотлар даврини бошдан кечираётганини ҳисобга олсак, бу табиий жараён. Аммо назоратсиз пул бериб

бўлмайди. Кўп миқдорда кредит берилиши ва унинг ноўрин сарфланиши инфляция хавфини ошириб, нарх-наво ўсишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун кредитлаш жараёнида чегара бўлиши лозим. Айни вақтда бу ҳақида Ўзбекистон ҳукумати билан фикр алмашидик. Тавсиялар бердик. Ўзбекистон ҳукумати, албатта, бу борада чора-тадбирлар кўрмоқда.

Инфляция бўлмаслиги учун олинган кредитларни бозорга сарфлаш эмас, балки моддий кўринишга келтириш лозим. Мисол учун, бино-иншоотлар куриш, технологиялар яратиш ёки илм учун сарфланиши керак. Шундай қилиб, миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий банки яқинда қабул қилган пул-кредит сиёсатини, жумладан, қайта молиялаштириш ставкасини 16 фоизгача ошириш ҳисобидан қатъийлаштириш чораларини ижобий баҳолади.

Мазкур фикрлар Халқаро валюта жамғармаси келишуви моддаларининг IV моддаси бўйича консултациялар доирасидаги жамғарма миссияси ташрифи якунларига бағишланган пресс-конференцияда маълум қилинди. Уни Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Марказий банк ташкил этди.

ЎЗА

100 миллиард сўмлик лойиҳа

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан биргина Поп тумани аҳолиси бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда “Ҳар бир оила – тadbиркор” дастури доирасида 100,0 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилиши белгиланган. Ушбу сармоялар ху-

дуд аҳлига паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, иссиқхона ҳўжаликларини, шунингдек, тadbиркорликнинг бошқа йўналишларини янада ривожлантириш учун имтиёзли фоизларда кредит сифатида берилди. Учрашувда Поп туманининг тоғ олди ҳудудлари аҳолисини кўшимча иш ўринлари билан таъмин-

лаш мақсадида Халқ банкнинг молиявий кўмагида чет давлатдан 2000 бош жун йўналишидаги зотдор эчки олиб келиниб, хондонларга “Ҳар бир оила – тadbиркор” давлат дастури доирасида тарқатилиши режалаштирилгани таъкидланди. Мазкур лойиҳа 2019-2020 йилларда икки босқичда амалга ошири-

либ, ҳудудда 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилиши кутилмоқда.

Тadbир сўнггида ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва бириктирилган маъсул ходимларга туман аҳолиси билан бирма-бир суҳбатлашиб, ажратилаётган маблағларни мақсадли фойдаланиш ва доимий иш ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сарвар ОЧИЛОВ

Имтиёзлар экспортга хизмат қилмоқда

2015 йили балиқчилик тармоғининг «Ипотека-банк» АТИБга бириктирилгани бугунги кунга келиб ўз самараси бермоқда. Соҳани ривожлантириш учун банк томонидан 2015 йили 12 млрд., 2016 йил 100 млрд., 2017 йил 166 млрд. сўм, 2018 йил эса 420 млрд. сўм маблағ ажратилди. 2019 йилда 288 та балиқчилик ҳўжаликларига 575,060 млн. сўм миқдорда молиявий кўмак бериш режалаштирилган.

Албатта, мазкур маблағларнинг тўғри йўналтирилгани тармоқни тез суръатларда ўсишига омиб бўлаётир. Жумладан, ўтган йили юртимизда 95 минг тонна балиқ етиштирилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 200 минг тоннадан ошириш режалаштирилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда банк соҳа ривожини учун фақат молиявий кўмак бериб қолмасдан, тизимдаги муаммолар ечимини топишга ҳам ҳаракат қилаётир. Яқинда «Ипотека-банк» АТИБ томонидан балиқчилик тармоғининг келгуси ривожини,



интенсив технологияларни жорий этиш, тadbиркорларни кредитлаш каби муҳим масалалар юзасидан бўлиб ўтган семинарда соҳа вакиллари юзма-юз суҳбатлашди. Айни кунда тизимдаги долзарб масалалар ўртага ташланиб, уларнинг ечимини юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

Унда «Ипотека-банк» Бошқаруви раиси ўринбосари Жўра Зулфуқаров, «Ўзбекбаликсаноат» Ассоциацияси раҳбарияти, «Ипотека-банк» АТИБ мутахассислари, «Ipoteka Leasing», «Ипотека-сармоя», «Green Agro Technology» компанияси вакиллари, Балиқчилик илмий маркази мутахас-

сислари, балиқчилик билан шуғулланувчи тadbиркорлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда «Ипотека-банк» АТИБ Балиқчилик соҳасидаги давлат дастурлари билан ишлаш бўйича бўлим бошлиғи Фарид Раҳимов сўзга чиқиб, тармоқ ривожини учун амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

– Бугунги кунда юртимизда тўрт мингдан ортиқ балиқчилик ҳўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, шулардан 2600 га яқини «Ипотека-банк» мижози ҳисобланади. Банкимиз шу йиллар давомида мазкур мижозларга молия-

вий кўмак бериш баробарида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳам ҳаракат қилиб келяпти.

Бунда Президентимизнинг 2017 йил 5 январдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Қарор асосида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкида устав фонди 50 млрд. сўмлик инвестицион компания ҳамда унинг негизда ҳудудларда 13 та “Балиқсаноат” МЧЖ ҳўжаликлари ташкил этилди. Айни дамда улар балиқчилик ҳўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, тавсиявий кўмак бериш, балиқ етиштиришдан то ишлаб чиқаришгача бўлган ягона тизим яратиш учун ҳаракат қилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса балиқчилик учун янада кенг имкониятлар эшигини очди. Яъни тармоқдаги лойиҳаларни молиялашти-

риш учун “Ипотека-банк” томонидан 50 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилиши, тadbиркорлик субъектларига мазкур маблағлар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг фоиз ставкасининг 50 фоизи Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиниши ҳам балиқчилик ҳўжаликлари учун ўзига хос имконият бўлди.

Бугунги кунда қарор доирасида тизимга интенсив технологияларнинг жорий этилаётгани йил бўйи балиқ етиштириш имконини беришга қўлмай, маҳсулот ҳажмининг бир неча бор ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шунингдек, балиқчилик кластерларининг ташкил этилаётгани келгусида маҳсулотларни экспорт қилиш салоҳиятини ҳам ошириш тайин. Айни дамда фақат Туркия ва қўшни давлатларга балиқ экспорт қилинаётган бўлса, яқин йилларда ана шундай кластерларнинг 27 таси ишга тушганидан сўнг экспорт географияси ҳам кенгайиши мўлжалланмоқда.

finance.uz

Маълумки, Давлат статистика қўмитаси Нархлар статистика бошқармаси томонидан ҳар ойнинг якунида инфляция даражаси, нарх-наво кўрсаткичларига оид маълумотлар омма эътиборига ҳавола этиб борилади. Жумладан, истеъмол бозоридagi инфляция кўрсаткичлари қай даражада эканини ҳам айтиш шунинг учун маълумотлари асосида осон билиб оламиз.

Инфляция даражаси қайси кўрсаткичга боғлиқ?



Ҳўш, истеъмол бозоридagi инфляция даражаси қандай шакллантирилади ва ўтган йилда мазкур кўрсаткичлар қанчали ташкил этди? Мазкур саволлар билан Давлат статистика қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Усмон Абдурасуловга юзландик.

— Сир эмаски, инфляция — бу барча товар ва хизматларга бўлган нархларнинг кўтарилишидир. Унинг уч тури мавжуд бўлиб, булар — мўтадил ёки судралувчи (йиллик ўсиш суръати 10 %дан ошмаган), юқори суръат (йиллик ўсиш суръати 10 %дан 200 %гача) ва гиперинфляция (йилига 200 %дан юқори)дир.

Мамлакатимиздаги инфля-

ция даражаси нархларнинг ўсиш динамикасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири — Истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ёрдамида ҳисобланади. У жорий йилдаги ўртача нархларнинг ўтган йилдаги ўртача нархларга нисбати тарзида олинади. Ҳозирги вақтда ИНИ ҳисоблашда истеъмолдаги 386 турдаги товар ва хизматлар тўпламидан фойдаланилади. Булар уч йирек гуруҳ — озиқ-овқат (112 та), ноозиқ-овқат товарлари (206 та) ва хизматларга (68 та) товар ва хизматлар тўпламини ташкил қилади. Шундай қилиб, ИНИни ҳисоблаш учун истеъмол тўплами, аҳоли то-

монидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар республиканинг барча ҳудудлари учун янгона бўлган гуруҳни ифодалайди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда ИНИни шакллантириш учун республикамиздаги 10 мингдан ортиқ савдо объектлари кузатилиб, у ердаги нарх-наволар ўрганилмоқда ва таҳлил қилинмоқда. Масалан, республика вилоятларида айрим озиқ-овқат маҳсулотларнинг ўртача нархлари орасида кўпинча тафовутлар кузатилади. Қўмитамиз томонидан мана шу тафовутлар ҳам ўрганилиб, маҳсулотларнинг ўртача минимал ва максимал нархларда сотилаётган ҳудудлар аниқланади. Аҳоли учун истеъмол бозоридagi бундай ўзгариш ва тафовутлар қизиқ, албатта.


Энг муҳими, ИНИнинг ўсиши шубҳасиз инфляция даражасига таъсир кўрсатмай қолмайди. Мисол учун, 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача 14,9 %га қимматлашуви умумий ИНИнинг ўсишига 6,4 фоиз даражаси(ф.д.) да таъсир этди. Ёки бўлмаса, но-озиқ-овқат товарлари нархларининг 12,5% га ошгани ИНИнинг 4,4 ф.д.да ўсишига олиб келди. Шунингдек, мамлакат аҳолисига хизмат кўрсатиш бўйича нархлар ва тарифлар ҳам йил давомида ўртача 15,8 % га ошиб, натижада ИНИ умумий 3,5 ф.д.да ўсди.

Таъкидлаш жоизки, истеъмол бозоримизда фақат инфляция даражаси ошиши эмас, балки дефляция ҳолатлари ҳам кузатилиб турибди. Айниқса, мавсумий пишиқчилик даврида мева-сабзавотлар ва айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлашуви кузатилади.

ТАДБИР

ЭНГ ЯХШИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтида «Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар» мавзусида ёш олимларнинг I-республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика ёш олимлар кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, 30 га яқин ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрталари ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларининг ёш олимлари ва иқтидорли талабалари, курсантлари, институт профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Илмий-амалий анжумани ўтказишдан асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида халқимиз хавфсизлигини таъминлашни янги bosқичга кўтариш зарурлиги билан боғлиқ белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фаолият хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, инновацион ғоялар ва илмий ишланмаларни ишлаб чиқиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Республика ёш олимлар кенгаши масъул ходимларининг маърузалари тингланди.



Тадбир доирасида иштирокчилар томонидан яратилган ихтироларнинг намойиши ўтказилди. Шунингдек замонавий ёнғин ўчириш техникалари ва махсус-авария қўтқарув машиналари, асбоб-анжомлари ва воситалари билан таништириш, институт курсантларининг кўргазмалари жанговар чиқишлари амалга оширилди ҳамда бадиий ва махсус адабиётлар ярмаркаси ўтказилди.

Анжуман якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди ҳамда «Энг яхши мақола», «Энг яхши илмий ишланма», «Энг яхши инновацион ғоя» каби номинациялар бўйича голиблар тегишли сертификатлар билан тақдирланди.

Шунингдек, анжуман доирасида ташкиллаштирилган 3 та йўналиш бўйича шўьбаларда техносфера хавфсизлиги, ишлаб чиқариш ва қурилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги инновацион ғоялар ва технологиялар бўйича анжуман иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди ҳамда таклиф ва тавсиялари муҳокама этилди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
Хушид МАҲАМАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнғин хавфсизлиги институти
ходимлари

Энди инвестициялар ҳам суғурталанади

Бугун табиат инжиқликлари ёки турли бахтсиз ҳодисалар сабаб уйи, мол-мулки, транспорт ва бизнесдан ажраётган ҳамюртларимиз оз эмас. Аммо мол-мулкни суғурталашга улгурган кишиларга моддий йўқотилар у қадар муаммо эмас. Чунки улар суғурта қопламалари эвазига қўрилган зарарни тезда тўлғизиш имкониятига эга.

Мисол учун, яқинда Қорақалпоғистон Республикасида бўлган кучли шамол ҳудуддаги 9 та кўп қаватли уйнинг томини учириб кетган бўлса-да, мазкур табиий офат ҳудуд аҳолисини жиддий ташвишга кўймади. Боиси улар суғурта хизматидан фойдаланган эди. Аҳолидан келиб тушган даъво аризасига биноан «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» бу ҳолатни ўрганиб чиқиб, уларга 500 млн. сўмдан ортиқ суғурта қопламасини тўлаб берди.

Айтиш жоизки, мазкур суғурта компанияси кун сайин мижозлар ишончини қозонмоқда. Буни ўтган йил давомида компания томонидан эришилган 86910 та суғурта шартномаси ва 117 млрд. сўмлик суғурта мукофотидан ҳам билиш мумкин.

— 2018 йил мобайнида юзга келган суғурта ҳодисалари бўйича 9 179 та даъво аризалари келиб тушди ва амалга оширилган суғурта тўловлари ҳажми 30,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,2 млрд. сўмга кўп демакдир, — дейди компания суғурта даъволарини кўриб чиқиш департаменти бош менежери Наргиза Мамажоновна. — Компания томонидан амалга оширилаётган суғурта қопламаларининг асосий қисми мажбурий суғурта турлари, яъни Транспорт воситалари эгаларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ўтган йили 7,7 млрд. сўм) ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (ўтган йили 12 млрд. сўм) бўйича келиб тушган суғурта даъволарига тўри келмоқда. Шунингдек, ўтган йили шахсий суғурта шартномалари бўйича келиб тушган

5 600 га яқин мурожаат юзасидан 3,7 млрд. сўмдан ортиқ суғурта қопламалари амалга оширилди. Мазкур қопламаларнинг асосини эса жисмоний шахслар ташкил этди.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича сохта суғурта даъволари кўпайиб бормоқда. Бизнесинг суғурта бозорида ҳам бу каби ҳолатлар ҳали кўп бўлмаса-да, аммо учраётган экан.

— Компаниямизга шубҳали суғурта даъволари билан мурожаат қилган шахслар кузатилди, — дейди Н.Мамажоновна. — Яқинда сурхондарёлик фуқаро бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича 20 млн. сўмлик суғурта даъвоси билан келган бўлса, яна бир фуқаро йўл транспорт ҳодисаси важи билан 30 млн. сўмлик суғурта қопламасини талаб қилди. Ўрганишлар натижасида эса мазкур даъволарнинг сохталлиги аён бўлди ва уларнинг даъволари рад этилди. Албатта, компания бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўряпти.

Қолаверса, «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» 2015 йилнинг ёзида компанияга келиб тушаётган барча даъво аризаларини ўз вақтида кўриб чиқишини онлайн тарзда кузатиш, назорат ва мониторинг қилиш имкониятини берувчи «Кафолат-онлайн» АМТ (автоматлаштирилган маълумот тизими) блокчини ишга туширган эди. Айни пайтда ушбу тизим жуда самарали фаолият юритмоқда. Жумладан, тизимда суғурта воқеасини кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар базаси яратилган бўлиб, агар аризачи томонидан даъво кўриб чиқиш учун бирор зарур ҳужжат тақдим этилмаган бўлса, тизим ижрочига ушбу етишмаётган ҳужжат тўғрисида маълумот беради.

Шунингдек, компания жорий йилда инвестиция ва инвестицион лойиҳаларни суғурталаш борасида иккита янги суғурта турини амалиётга жорий этиш ниятида.

Малика Пўлатова

Сиз билан ҳаётимиз мунаввар

Бугун мамлакатимизнинг иқтисодий тараққий топишида юртимиз хотин-қизларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, банк тизимида ҳам. Бугун биз сизларни банк соҳасида бир неча йиллардан буюн самарали меҳнат қилиб келаётган фаол банк ходималари билан таништирамиз. Уларнинг ҳар бири оилада ҳам, иш фаолиятида ҳам барчага ўрнак ва намуна бўлаётир.



Хуршида МАҲМУДОВА,
АТ “Халқ банки” Ижро интизоми
бўлими бош мутахассиси

18 йил илгари молия соҳасига қадам қўйган бу аёл бугунги кунга келиб “Халқ банки” котибиятида бош мутахассис лавозимида фаолият юритмокда.

Унинг банкдаги асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарор ва топшириқлари, Президентимизнинг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, шунингдек, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк ва Банк Кенгаши ва

Бошқарувига тегишли меъёрий ҳужжатларнинг электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизими асосида ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш ҳамда назорат қилишдан иборатдир. Х. Маҳмудованинг сўзларига кўра, мазкур вазифа жуда масъулиятли ва кези келганда, машаққатли ҳам. Боиси банкнинг 198 та ҳудудий филиалига хат-ҳужжатларни ўз вақтида етказиш, шунингдек, уларда ижро интизоми мониторингини олиб боришнинг ўзи бўлмайди. “Шу сабаб жавобгарлик ҳисси ва масъулиятлилиқ биринчи ўринда туради”, дейди қаҳрамонимиз.

“Банкимизда жуда яхши аъёна бор — ҳар йили аёллар байрами арафасида банк эшигидан тортиб ичкари йўлақларгача турли шар ва гуллар билан безатилади. Эрак ходимларимиз кўлида гул, ширинсўз билан аёл ходималарни қутиб олади. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили ўз айёмимизни интизорлик билан кутамиз ва ўша кунни қадрдон ишхонамиз сари хуш кайфиятда, шошилиб йўлга отланамиз. Аслида биз, аёллар, қимматбаҳо совғаларнинг эмас, эътибор ва икки оғиз ширинкаломнинг шайдосимиз”, дейди банк ходимаси.

1995 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетини тамомлаган З. Мамасайтова шу йилнинг ўзидаёқ “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Операция бошқармаси Бухгалтерия ҳисоби бўлимида мутахассис сифатида иш бошлади.

Шу йиллар давомида у бор ғайрати, шижоатини мана шу банк ривожига йўлида сафарбар этди. Меҳнатсеварлиги сабаб банкдаги турли лавозимларга кўтарилди — оддий мутахассисликдан бўлим бошлиғи даражасига етиш осон кечмади. Бироқ қаҳрамонимизга хос камгаплик ва камсуқумлик, сабр-тоқат ҳамда ўз касбига бўлган муҳаббат уни жамоадорлари орасида ҳурмат қозонишига ва муваффақиятлар сари дадил илдамлашига туртки бўлди. Бугун унинг фарзандлари ҳам она изидан бориб, молия муасссаларида фаолият юритмокда.

Замира опада ўзига хос одат бор: гапиришдан кўра, тинглашни хуш кўради. Бировнинг дилини ранжитиш нари турсин, “сан-ман”ни ўзига эп бўлмайди. Тўғрисиўзлик эса ҳаётдаги бирламчи ширинга айланган. Балки шу боис оилада ҳам ўзи ўрни ва ҳурматиغا эга.

Дарвоқе, гуллар Замира опа учун энг



Замира МАМАСАЙТОВА,
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти Тўлов маркази бошлиғи қимматбаҳо гуҳфа. Борлиқни яшилликка, чор-атрофини анвойи гуллар ифориға тўлдирган кўкламни фаслларнинг аълоси, деб билишига ҳам сабаб шудир. Мамлакатимиз аёлларини эса ҳамisha вафо ва садоқат, латофату нафосат тимолида кўришни истади ва уларни бўсагада турган баҳорий аём билан мурабракбод этади.

Аёл — она, аёл — раҳбар, аёл — депутат. Йигирма йилдан буюн банк соҳасида ишлаётган Шаҳноза Алимова ана шу таърифларга лойиқ. Бугун у меҳрибон она, суюкли бувижон бўлиш билан бирга, юртимиздаги йирик тижорат банкларидан бири “Ипотека-банк”да раҳбарлик лавозимида ҳам фаолият юритмокда.



Шаҳноза АЛИМОВА, “Ипотека-банк” АТБнинг Кичик бизнес, чакана хизматлар ва филиаллар тармоғи блоги раҳбари.

Айни пайтда мазкур молия муассасасида рақамли трансформация жараёни кетаётгани боис ходимларнинг иши қизиқандан-қизиган. Шаҳноза Алимова ҳам ярим тун бўлишига қарамай, иш жойини тарк этолмайди. Ҳаёлида фақат бир ўй — ўз вазифасини сидқидилдан адо этиб, банк ривожига ҳисса қўшиш.

Қаҳрамонимиз 20 йил давомида банк соҳасининг барча чигиринидан ўтди — пул муомаласи, қимматбаҳо қозолар, кредит бўлими, инвестициялар, корпоратив мижозлар билан ишлаш ва пул муомаласини мониторинг қилиш каби бўлимларда, минни-банкнинг раҳбарлик, шунингдек, қатор бошқармаларнинг ўринбосарлик лавозимларида фаолият юритди. Айни пайтда эса банкнинг Кичик бизнес, чакана хизматлар ва филиаллар тармоғи блоги раҳбари сифатида ўз ишини давом эттирмокда. Ш.Алимова раҳбарлик қилаётган блокнинг асосий вазифаси чакана хизматларни ривожлантириб, мамлакатимиздаги кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолимизга ёқадиган янги ва оммабоп банк маҳсулотларини ўйлаб топиш ва уларни банк филиалларида жорий этишдан иборат.

Бугунги кунда Шаҳноза опа

раҳбарлигида тўрт нафар раҳбар аёл фаолият юритади. Уларнинг ҳаммаси билагида кучи бор, исталган ходим билан иш борасида рақобатлаша оладиган куч-ғайрат, шижоат ва ақл-заковатга эга. Шаҳноза опанинг фикрича, ишбилармон аёл бўлиш осон эмас. У юксак бир чўққига ўхшайди гўё. Чикаверасан, чикаверасан, баъзида қоқиласан, бироқ куч тўллаб тагин йўлингда давом этасан. Юқорилаганинг сари машаққатларинг унут бўлиб, ўзингни тетик, бардам ҳис қилаверасан. Чўққини забт этганингда эса дунёнинг бор гўзаллигидан баҳраманд бўласан, тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан на-рфас оласан. Чинакам ишбилармонлик йўли ҳам худди мана шундай.

Ҳаётга чанқоқ бу аёл серҳаракатлиги, меҳнатсеварлиги сабаб 2017 йили ЎзЛИДПнинг Тошкент шаҳар халқ депутатлари Мирзо Улуғбек туман кенгаши депутати лавозимига сайланди.

Шаҳноза Алимованинг фикрича, аёллик бахти — бу оила аъзоларининг гамхўрлиги, уларнинг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб яшаш, сеvimли ишинг ва жамоангнинг борлиги, шунингдек, ўйлаган мақсадларинг сари муваффақиятли оладилангидир.

— Ёшлигимда ҳуқуқшунос бўлишни орау қилардим, бироқ ҳаёт мени иқтисод соҳасига етаклади. Мана ўн етти йилдан буюн “Кишлоқ қурилиш банк”да ишлаб келаётган бўлсам, ҳали бирор марта шу соҳани танлаганимга афсусланганим йўқ. Сабаби касбимни ҳам, жамоамни ҳам жуда яхши кўраман.

Ҳозир аксарият эркаклар аёли ё қизини банк соҳасида ишлашини истамайди. Боиси банкда кечгача ёки дам олиш кунлари ҳам ишлашга тўғри келади. Бу эса ҳаммага ҳам ёқавермайди. Ишим бевосита тўловлар билан боғлиқ бўлгани учун менда ҳам ҳар ой охирида қаттиқ меҳнат қилишга, кечгача ишлашга тўғри келади. Бироқ шу чоққача яқинларимдан бирор эътироз эшитмадим. Бу борада омадим чопган, дея бемалол айта оламан. Чунки оила аъзоларим ҳамisha мени қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Уйлайманки, ҳар қандай аёлга, аввало, умр йўлдошининг ишончи ва қўллаб-қувватлаши зарур. Шундангина оиласи тинч, фаровон бўлади, касбий фаолиятида ҳам муваффақиятларга эриша олади.

Шунинг учун доимо яхши банк ходимаси бўлиш учун билим ва изланувчанлик билан бирга,



Ҳанифа ВАЛИЕВА, “Туронбанк” АТБнинг Ходимлар малакасини ошириш ва ходимлар захирасини шакллантириш бўлими бошлиғи

— 25 йилдирки банк соҳасидан. Шу давргача бир неча банкда турли лавозимларда ишладим. 2017 йилнинг октябрь ойидан эса “Туронбанк” АТБ да кадрлар масаласи бўйича фаолият юритапман.

Ушбу йўналиш ўзимга жуда ёқади. Чунки ҳар бир ташкилотда ходимларни раҳбарлик лавозимига тайёрлаш бевосита кадрлар бўлимига боғлиқ. Шу боис унинг ўзига яраша машаққатлари ҳам, қизик томонлари ҳам бор. Айни пайтда асосий вазифам ўқув марказлари билан ҳамкорликда, шартнома тузган ҳолда ходимларимиз малакасини ошириш ва уларнинг захирасини шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун банкимиз томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмокда. Ҳар



Умида ҚОДИРОВА, АТБ “Кишлоқ қурилиш банк” Бош Амалиётлар бошқармаси Ички ҳисоб амалиётлари бўлими бошлиғи

сабр ҳамда оилавий мухитни ҳам бирламчи ўринга қўяман.

Менинг наздимда аёллик бахти — бу фарзандларининг кам-кўстисиз воёга етганини кўриш, ҳар кун оила аъзоларинг билан бирга дастурхон атрофида жам бўлиш ва энг асосийси, оилада ҳам, ишда ҳам ўз ўрни ва ҳурматиغا эга бўлишдир. Аёл кишига кўп нарса керак эмас: икки оғиз ширин сўзу, яқинларининг эътибори бўлса бас.

доим оилам ва касбимга бирдек тенг муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан. Бу борада деярли қийналмайман десам ҳам бўлади. Бир одатим бор: уйдаги муаммоларни ишга, ишдагиларини уйга олиб келмасликка интиламан. Чарчаган ёки тушкунликка тушган пайтларим китоб ўқиб, яхши нарсаларни ҳаёл қилишни хуш кўраман. Авваламбор, тушкун кайфиятга берилмасликка, ўша ҳолатдан имкон қадар тезроқ чиқиб кетишга ҳаракат қиламан. Чунки тушкунлик инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиб, ўз-ўзидан иш унумдорлигини ҳам пасайтиради.

Баъзида ўйлаб қоламан, банк ходимаси бўлмаганимда, қайси касбни танлаган бўлар эдим, деб. Менимча, судья бўлар эдим. Чунки адолат, ҳақиқат учун курашишни яхши кўраман.

Аёллик бахти сифатида эса, аввало, оила бутунлиги ва фарзандлар соғ-омонлигини эътироф этаман. Битта қизим бор. У ҳам айни пайтда банк соҳасида фаолият олиб бормокда. Келажақдаги орзуларимдан бири қизимнинг камоли, бахту иқболини кўриш.

Ҳаётда сиз учун нима муҳим ёки нима керак, деб қайсики аёлдан сўраманг, менимча, уларнинг бари меҳр ва эътибор, дея жавоб қайтаради. Чунки аёл зоти доим ширин сўз ва меҳрга муҳтож.

Сўзим сўнггида республикамиздаги барча онажонлар, опа-сингиллар ва қизларимизни келаётган айёмлари билан мурабракбод этаман. Уларга баҳорий кайфият, сийҳат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилайман. Юзларидан табассум аримасам!

Мен ишончни оқлайман!

Мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилляпти. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан "Yoshlar – kelajagimiz" давлат дастурининг қабул қилинганлиги катта орзу-ниятларни кўзлаган салоҳиятли тенгдошларимизга кенг имкониятлар йўлини очди.



Минглаб навқирон авлод давлатимиз томонидан ажратилган имтиёзли кредитларни ўзларининг лойиҳаларига жалб қилиб тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Мен ҳам ана шундай ёшлар орасида борлигимдан фахрланаман.

Болалик чоғларимданоқ тикувчилик касбига қизиққанман. Дастлаб орзуларимни амалга ошириш учун "Машхура" ўқув марказида таҳсил олдим. Сўнгра пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги "Сетуз" тикувчилик фабрикасида ишга кирдим. Ҳозирги кунда педагогика институтининг рассом-дизайнерлик факультетининг сўнги босқич талабасиман. Хуллас, ўзим қизиққан соҳа – тикувчилик бўйича маълум даражада билим ва тажрибага эгаман. Шу омишлар менда ишонч ва умид уйғотди.

Ўтган йили кўплаб тенгқурларим қатори имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехини очишга қарор қилдим. Бу ниятимни Чилонзор тумани Ёшлар Иттифоқи жамоаси кўллаб-қувватлади. Уларнинг ёрдами билан 17 млн. сўм кредит ажратилди. Хитойда ишлаб чиқарилган 4 та "Зек" тикув машиналарини сотиб олдим. Бундан ташқари, Ёшлар Иттифоқи цех учун қўлай жой билан таъминлади.

Иш бошлашимиз билан маҳсулотларимизга қизиқиш билдирган харидорлар кела бошлади. Ўйлаб қарасам тикувчиликка иштиёқманд қизлар кўп экан. Афсуски, уларнинг кўпчилигида малака етишмайди. Шунинг учун цех қошида ўқув маркази ташкил қилдим. Катталар учун пулли, ўрта мактабни энди битирган қизлар учун бепул. Бугунги кунда марказимизда ўнлаб қизлар ўқиб, ҳам амалий машғулот ўтказаяпти. Келгусида тикувчиликка тайёрлаган бу қизларни ишга жалб қилиб, цехни янада кенгайтириш ниятидаман.

"Yoshlar – kelajagimiz" дегани оддий сўз эмас. Унинг замирида биз ёшларга билдирилган катта ишонч ва умид мужасам. Биз ёшлар ана шу ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

Бир ниятни қатъий мақсад қилганман: Мен ишончни оқлайман!

Доно СОЛИЕВА,
тадбиркор



"Микрокредитбанк"
акциядорлик-тижорат банки
жамоаси
Азиз ва мухтарам аёлларни

8 март

Халқаро хотин-қизлар куни билан табриқлайди.

Шунингдек юрдошларимизга
"Тадбиркор", "Оила жамғармаси",
"Кафолат", "Барқарор-онлайн" номли
омонат турларини таклиф этади.

Тел.: 99871 202-99-99

www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Обод маҳалла" дастурининг ишлаб чиқилган ишлар узоқ йиллар эътибордан четда қолиб келаётган маҳаллаларни замонавий гўшаларга айлантириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратилишида муҳим омиш бўлмоқда. Гулистон шаҳридаги "Обод юрт" маҳалласи ҳам ана шундай эътибордан четда қолган эди.



Маҳалламизнинг илгариги ҳолатини эслагим ҳам келмайди. Йўл тугул йўлка ҳам йўқ, ҳаммаёқ ўнқир-чўнқир, дараклар тарвақайлаб кетган. Бир томонда молхона, иккинчи томонда тандирхона, пасткам савдо дўконлари... Ўзингиз айтинг, шунақа

Маҳалламиз обод – кўнглимиз шод

кўриниш кўп қаватли уйлاردан ташкил топган маҳаллага ярашадими? Маҳалламиз "Обод маҳалла" дастурига киритилгач, сўз билан таърифлаш қийин бўлган ўзгаришлар юз берди. Қисқа фурсатда одамларнинг кўнгли ҳам обод бўлди. Қизлар

римиш, келинларимиз эрта тондан уй атрафларини супуриб-сидириб, сув селип қўйишади. Озодаликни кўриб дилингиз яйрайди.

Маҳалламизда жами 2041 нафар хотин-қизларимиз бор. Мана ўтган йилдан буён обод маҳаллада барчамиз аҳил-иноқ бўлиб яшаймиз.

Аёлларимизнинг 10 нафари касаначилик билан шугулланади. Яқинда ишсиз юрган 7 нафар хотин-қизларимизни иш билан таъминладик. 2 нафар аёлга "Қишлоқ қурилиш банки"дан 20 млн. сўмдан кредит олиб цех ташкил қилишларига кўмаклашдик.

Хуллас, хотин-қизларимиз ўзлари дуч келган муаммоларни ечимини топа олмай қолганларинг йўқ. Шаҳар ҳокимияти, маҳалла фаоллари ўз вақтида ёрдам берапти.

Мен маҳалламиз аёлларини баҳор байрами – 8-март хотин-қизлар куни билан табриқлайман. Дастурхонларидан кут-барака, юзларидан кулгу аримасин!

Дилноза ЮНУСОВА,
Гулистон шаҳридаги
"Обод юрт" маҳалла
фуқаролар йиғини раиси

Хотин-қизларга байрам тухфаси

АТБ "Ўзсано-атқурилишбанк"
8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан 26 февралдан 5 мартга қадар аҳоли ўртасида ажойиб танлов ўтказди.



Унда иштирок этиш ва ютуқни қўлга киритишнинг асосий шарти этиб иштирокчилардан 8 март айёмида уларга тақдим этилган ёки ўзлари тухфа этган ғаройиб совға ҳақида қизиқарли тарзда сўзлаб беришлари талаб этилди.

Маъзур танловда юзлаб банк миқозлари ва аҳоли иштирок этиб, Smart Artel телевизори, Gear IconX қулоқчинлари ҳамда Power bank ихчам зарядлаш мосламасини қўлга киритишди.

Банк келгусида бундан-да қизиқ танлов ва акциялар ўтказиш ниятида.

Банк кўмаги жаҳон бозорига йўл очмоқда

Бугунги кунда акциядорлик тижорат "Қишлоқ қурилиш банки"нинг Хоразм минтақавий филиали ўз фаолияти йўналишидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни кредитлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Биргина ўтган йили банк филиали томонидан 21 лойиҳага 10 миллиард 792 миллион сўм ва 4 миллион 930 минг АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилди. Маблағлар, асосан, хориждан юқори технологияларни харид қилиш, туризм, тиббиёт, аграр тармоқда инновацияларни жорий этишга йўналтирилди. Натижада вилоят иқтисодиёти ривож учун муҳим аҳамият касб этувчи лойиҳалар амалга оширилди.

Ажратилган маблағлардан қай даражада оқилона фойдаланилаётгани ҳамда унинг амалий натижаларини билиш барча учун ҳам қизиқ. Шундай экан бу ҳақида банк мижозларининг ўзларидан эшитсак.

Илёсбек ҲИКМЕТОВ, «Боғот қишлоқ қурилиш Ўткир сервис» МЧЖ раҳбари:

— Бизнес-режангиз пухта, тузган лойиҳангиз истиқболли бўлган

ни билан сармоя бўлмаса бир иш қилиш қийин. Айни шу ўринда тижорат банклари — таянчимиз, мадакоримизга айланапти. Муҳими, молиявий кўмак нафақат ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш, балки жаҳон бозорига чиқишимизга ҳам имкон бераётир. Сир эмаски,



ҳозирги кунда ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам юқори сифатли, экологик тоза маҳсулотларга талаб катта. Уларни эса замонавий технологияларсиз тайёрлаш имконсиз. Энг илғор дастгоҳларни харид қилишни тадбиркорнинг ҳамёни кўтармайди. Шу боис, бизнес-режа тузиб "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хоразм минтақавий филиалига мурожаат этдик. Лойиҳамизнинг биринчи босқичида 540 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиб, 1 гектар майдонда иссиқхона ва тоmat пастаси ишлаб чиқариш цехи фаолиятини ташкил этдик. Иккин-


чи босқичда мазкур банк муассасасининг 624,88 минг долларлик кредити ҳисобига 1,3 гектар майдонда замонавий иссиқхона мажмуасини ишга тушириб, бодринг етиштиришни йўлга қўйдик. Учинчи босқич рўёби ҳам кўп куттирмади. Корхонамизга иссиқхона қуриш учун қўшимча 2 гектар ер майдони ва 750 минг АҚШ доллари миқдорига банк кредити ажратилди. Натижада иссиқхоналаримиз сони учтага, умумий майдони 4,3 гектарга етди. Жалб қилинган банк кредитлари ҳажми эса 1,9 миллион доллардан ошди. Ҳозирги кунда "ойнаванд дала"ларимизда ўртача ҳосилдорлик гектарига 50 центнерни ташкил этмоқда. Етиштирилаётган маҳсулотнинг 70 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз. Бу эса ўрта ҳисобда 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорига валюта тушумини ҳам таъминлайди.

Нигора РЎЗМЕТОВА, «Хоразм авто лада» МЧЖ раҳбари:

— Ҳозирги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида нафақат давлат, балки хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам шу мақсадда замонавий клиника ташкил қилишни режалаштириб, ўз маблағимиз ҳисобига барча қулайликка эга бино барпо этдик. Муассасамиз учун зарур тиббий жиҳозлар ва ускуналар сотиб олиш мақсадида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хо-

разм минтақавий филиалига кредит сўраб мурожаат этдик. Қисқа муддатда ажратилган 1,3 миллиард сўм миқдоригаги маблағ зарур тиббий ускуналарни келтириб ўрнатиш ҳамда клиникамизни ишга туширишда кўл келди. Ҳозирги кунда муассасамизда 22 нафар малакали шифокор ва ўрта тиббиёт ходими томонидан беморларни амбулатор даволаш ҳамда жарроҳлик муолажалари амалга оширилмоқда. Лойиҳа бўйича аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдан 3 йилда 2 миллиард 826 миллион сўмлик даромад олиш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, филиалнинг бундай истиқболли лойиҳаларни амалга




оширишга кўмаклашаётгани вилоят ривожига ва минглаб янги иш ўринлари яратилишига замин бўлмоқда.

Соҳиба ОХУНЖОНОВА

Миллионерга айланаётган аёл

Кўпинча бир ишни дўндириб бажарадиган йигитни учратсак "тоғни талкон қиладиган бола" иборасини ишлатамиз. Агар аёлларнинг шунақаси учраса-чи?! Сўз тополмай қоларкансан, киши. Бугун юртимизда ана шундай меҳнатсевар, рўзгорини ҳам касбини ҳам, эплаб, фарзандларини оқ-ювиб тараб, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялаётган, ҳар соҳада муваффақиятга эришаётган уддабурон аёллар сони кун сайин ортиб бормоқда.



Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани "Лочинтепа" қишлоғида истиқомат қилувчи Қундуз Йўлдошева ҳам бугун эл озига тушган, маҳалла-куйга бош-қош аёллардан. Бугун уни кўрган-билганлар, таниганлар меҳнатсеварлигига ҳавас қилиб, ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишмоқда. Чунки аёл боши билан 15 сотих томорқасидан йилига ўртача соф 25-30 миллион сўм даромад қилиб, рўзгорини файз-бараккага тўлдириб ўтирибди.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда юртимизда томорқачилик жадал ривожланиб, ҳалқимиз озгина ердан ҳам миллионлаб фойда олиш

ҳадисини олмоқда. Шу боис бугун нафақат эркаклар балки, Қундуз опага ўхшаган ер билан тиллашиб томорқачилик билан шуғулланаётган аёллар сони ортиб бораётир.

Айни кунда Қ. Йўлдошева ўз томорқасига 350 туп олма, 32 туп узум эккан. Ўтган йилнинг ўзида у олмдан беш тонна ҳосил олди. Узумлар ҳали навниҳол бўлишига қарамай, бу йил улардан яхшигина ҳосил олишни кўзлаяпти қахрамонимиз. Табиат инжиқлик қилмаса бас, бўёғини опанинг ўзи дўндиради.

Бундан ташқари, у асалари-чилик билан ҳам шуғулланади. Бир йил олдин 30 қути асалари

сотиб олганди. Буни қарангки, дастлабки йилнинг ўзидаёқ у 100 килограмм асал олишга эришди. Унинг бир килограммини 40 минг сўмдан сотган опа яхшигина фойда ҳам олди. Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Ҳар соҳага қизиқувчан Қундуз опа шунча ишидан ортиб, 100 бош товукни ҳам эплаб келаётганига нима дейсиз. Шу йилларда юртимизда паррандачиликка эътибор кучайиб, ҳар бир оилада парранда бўлиши лозимлиги ҳақида гап-сўзлар тарқаганда опахон элдан қолмай, дея юз бошдан ошқроқ жўжа олди. Уларни бой витаминли озуқалар билан боқди. Мана бир неча ойдики, рўзгорда, товук гўшти ҳам, тухум ҳам аримади. Қунига товуклардан 70-80 дона тухум олиб, чўнтагини ҳам, маҳалла бозорини ҳам, табиий маҳсулот билан бойитяпти. Келгусида тадбиркор опамиз уларнинг сонини яна юз бошга ошироқчи. Бунинг учун унинг имконияти ва қурби етади.

Тадбиркор аёлнинг бу сая-ҳаракатларини қўриб, муқаддас қаломлардаги "Сендан ҳаракат, мендан барокат", дея айтилган сўз ёдга тушади. Чиндан-да бугун ҳаракат қилган, меҳнат қилган инсонлар кам бўлаётгани йўқ. Бунинг амалдаги исботини эса оқдарёлик қахрамонимиз мисолида қўриб амин бўлдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оиласи ва юрт равнақи-га ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган миллионер Қундуз Йўлдошевадек аёлларимиз бор экан, хонадонларимиз чароғон, рўзгорларимиз бит, юртимиз бундан-да обод бўлаверади.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Доим олға интиламан

Бугун юртимизда тадбирқору ишбилармонлар учун кенг имкониятлар эшиги очилиб, ҳар ким ўзи қизиққан йўналишда тадбиркорликка қўл урмоқда. Биз ҳам оиламиз билан балиқчиликка қизиқиб, 2014 йили бир гектар хавзада балиқчилик хўжалигини ташкил этдик. Кўпчилик иш бошида "аёл бошинг билан нима қилсан уриниб", деб шахдидман қайтармоқчи бўлди. Аммо бир иш бошладимми охирига етказиш феълимда бор.

Шунинг учун қанча ма-шаққатли бўлмасин, балиқ етиштиришга киришдим. Албатта, фарзандларим кўмакчи бўлди. Мана 4-5 йил-дирки, соҳанинг иссиқ-со-вуғидан бохабар бўлиб, тажриба орттирдик. Боши-да фақат харажат қилган бўлсак, сўнгги йилларда ях-шигина даромад ҳам қияп-миз. Мижозларнинг ўзлари кўлимиздан балиқларни харид қилиб кетяпти.

Қолаверса, ўтган йили тадбиркорлик фаолияти ва даромадимиз манбаи-ни кўпайтириш мақсадида кўлимиз ёнида аҳоли учун балиқ тамаддиҳонасини оч-дик. Бу ишимиз ҳам ўнгидан келиб хўрандаларнинг сони кундан кунга ортиб бор-моқда.

Тадбиркорлик қизиқ соҳа экан. Бир жойда тўхтаб бўл-майди. Доим изланиб, ян-гилликлар киришиб туриш керак. Шу боис ўтган йили октябрда интенсив балиқ етиштириш лойиҳасини амалга ошириш учун «Ипоте-ка-банк»нинг Навоий вилоят бўлимидан имтиёзли давр билан 500 млн. сўм кредит олиб, олти сотих жойга ин-тенсив балиқ етиштирини

ташкил қилдик. Бугун мана шу кичкина жойда минглаб етиштиришга киришди. Африка лаққасини етишти-ряпмиз. Бу балиқ ўзининг тез етилиши ва мазасининг ши-ринлиги билан бизга маъқул келди. Агар сазан балиқлар икки йилда 1,2-1,6 кило-грамм тош босса, толстолоб 1,8 кг гача бўлаяпти. Афри-ка лаққаси эса бир йилда 2 килограммга етмоқда. Бу тез ишлаб чиқариш ва тез даромад олиш деганидир.

Иш бор жойда камчи-ликлар ҳам бўлганидек, фаолиятимизда айрим муаммолар учраб туради. Бундай пайтларда ҳеч гамага тушмайман. Доим босиб ўт-ган ҳаёт йўлига, эришган натижаларимга қарайман. Ана шунда олдимда тур-ган муаммо арзимас бўлиб кўринади. Энг асосийси, бугунги ўзгаришлардан куч оламан. Ҳамма олдинга ҳа-ракат қилиб, тараққиёт, ри-вожланиш учун курашяпти. Нега мен тўхташган керак, дея бор кучим билан олға интиламан.

Муқаддас ЭРГАШЕВА,
Навоий вилояти
Навбахор тумани
"РусЭлимо ташаббус"
МЧЖ раҳбари

Энг кўп электрон чиқинди ишлаб чиқарган 10 давлат



Рақамлаштириш бутун дунёни ривожлантириш билан бирга ўзига хос муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Улардан бири электрон чиқиндилар муаммосидир.

Смартфонлар пайдо бўлгач, MP3 плейерлар ва рақамли камераларга

ҳожат қолмади, шунингдек, яна қандайдир техникалар ўрнини замонавийлари эгаллади. "vestifinance.ru" ана шулардан келиб чиқиб, ўтган йилда энг кўп электрон чиқинди ишлаб чиқарган давлатлар ўнталигини тузди.

Рўйхатнинг дастлабки поғонаси Норвегия (ҳар бир норвегияликка 28,5 кг. электрон чиқинди тўғри келадиганга, иккинчи ўрин Британия (аҳоли жонбошига 24,9 кг)га, учинчи ўрин эса Дания (аҳоли жон бошига 24,8 кг) га "насиб этди".

Шунингдек, рўйхатдан Австралия, Германия, Франция, Испания, Канада, АҚШ ва Япония давлатлари ҳам ўрин олган.

Жаҳон иқтисодиётини ўзгартирган аёллар

Анна Шварц (1915-2012 йй.)

Бу аёлни иккинчи жаҳон урушидан сўнг, ҳеч иккиланмай пул назарияси бўйича дастлабки ҳаракатни амалга оширган ва шу тўғрисида китоб ёзган машҳур муаллиф сифатида эътироф этиш мумкин.

1963 йили Шварц ва иқтисодиёт бўйича бўлғуси Нобель лауреати Милтон Фридман "АҚШ пул тарихи, 1867-1960" номли китобини чоп этишади. У Фридман билан бирга Нобель мукофотини ололмади,

қандай қилиб муваффақиятли бошқаришлари мумкинлигини кўрсатиб бергани учун Швеция Қироллик фанлар академияси уни "иқтисодий бошқарув таҳлили учун" мукофоти билан тақдирлаган.

Дейдра Макклоски (1942 й. туғилган)



Д. Макклоски дунёдаги энг машҳур иқтисодий тарихчи аёлдир. Унинг китоби Буюк Британиядаги саноатлаштиришнинг бошланғич даврида узок вақт ҳам асосий илмий тадқиқот сифатида, ҳам мустақил оммабоп китоб сифатида шухрат қозонган.

Макклоски 2014 йилда профессор Томас Пикеттининг асосий танқидчиси бўлган, шунингдек, у АҚШнинг консерватив ва либертариан партиялари иқтисодий сиёсатида ҳам катта таъсир кўрсатган.

Жанет Йеллен (1946 й. туғилган)



Жанет дунёдаги машҳур иқтисодий тадқиқотчи бўлибгина қолмай, АҚШ Федерал захиралари тизими бошлиғи, яъни иқтисодий сиёсат соҳасида дунёдаги энг нуфузли позицияни эгаллаб турган аёл ҳамдир. У мазкур ташкилотга раҳбарлик қилишдан олдин иқтисодиёт профессори даражасини олган. 2010 йилдан бери эса АҚШ федерал захиралар тизимининг вице-президенти лавозимида фаолият юритмоқда.

Айтиш жоизки, Ж. Йеллен Билл Клинтоннинг президентлик даврида ҳам муҳим шахслардан бири — АҚШ президенти ҳузуридаги Иқтисодиёт

Жорий йилда Хитой ҳукумати қашшоқликка қарши ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш учун бюджетдан 126,095 млрд. юан ёхуд 18,82 млрд. доллар ажратишни кўзда тутган. Бу ҳақда мамлакат бюджети лойиҳасига таяниб, "РиаНовости" хабар бермоқда.

Хитой қашшоқликка қарши молиявий курашни ошироқчи

Бюджет лойиҳасида таъкидланишича, мазкур йилда бу борада ажратилган сумма ўтган йилгига нисбатан 18,9 % га кўпдир. Шунингдек, ажратилган маблағларнинг каттагина қисми қашшоқлик даражаси юқори бўлган ҳудудларни ривожлантиришга йўналтирилиши режалаштирилган. Жумладан, Сичуан, Юньнан ва Гансу вилоятларининг қатор туманлари ҳамда Тибет автоном ҳудуди учун ушбу маблағларнинг анчагина қисми ажратилади.



кенгашининг биринчи президенти бўлган.

Кормен Рейнхарт (1955 й. туғилган)

К. Рейнхарт айна пайтдаги макро-иқтисодчи-аёлларнинг энг таниқли вакилидир. У Колумбия университетидаги фаолиятдан сўнг, "Bear Sterns" (2008 йилгача жаҳон молия



бозоридаги энг йирик ўйинчи ва инвестиция банки бўлган), Халқаро валюта жамғармаси ва Гарвард мактабида бош иқтисодчи бўлиб ишлади. Рейнхартнинг "Бу гал барчаси бошқача: Саккиз аср молиявий ақлсизлик" ва "Қарзлар даврида ўсиш" китоблари молиявий инқироздан кейин жиддий иқтисодий тежамкорликни ўргатувчи муҳим сиёсий воситалардан бирига айланган.

Дамбизо Мойо (1969 й. туғилган)



Мойо кимё бўйича дипломини олгач, Оксфорд университетининг иқтисодиёт бўйича дипломига ҳам эга бўлди. У илгари "Goldman Sachs" (дунёдаги йирик инвестицион банклардан бири)да ишлаган бўлса, айна пайтда "Barclays" (Буюк Британия ва дунёдаги йирик молиявий муассасалардан бири) директорлар таркибига кириб улгурди.

Мойо камбағал иқтисодларнинг ривожланишига ёрдам берувчи таниқли танқидчи ҳамдир. Унинг "Улик ёрдам: Африка учун энг яхши йўл нима ва нега ёрдам ишламаяпти?" номли китоби иқтисодий ривожланиш бўйича бестселлер (энг кўп сотилган) асарлардан бири бўлган. 2013 йили у Фридрих Хаейк институти мукофотини олган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Visa QR коди орқали тўловни амалга ошироқчи

Халқаро тўлов тизими бўлмиш Visa QR коди билан Россия дўконларида тўловни амалга оширишни режалаштирмоқда. Ушбу рақамли технология Россия банки тезкор тўлов тизимидан фойдаланиши учун амалиётга жорий этилмоқда, деб ёзмоқда "Рамблер.ру".

Башоратга кўра, бундай тўлов кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун қартиларни қабул қилиш харажатларини камайтиради.



QR коди билан тўлаш жараёнида харидор ўз картасидаги керакли маблағни сотувчи ҳисобига ўтказиши. Бунинг учун савдогарлар карточкалари рақамига оид маълумотларни ўз ичига олган штрих кодларни касса ёнида осиб қўйишларига тўғри келади.

Хабарда айтилишича, бундай усулда тўлаш махсулот ва хизматларга стандарт тўлов операцияси давомида ушлаб қолинадиган комиссия тўловларида анча арзон бўлиши кутилмоқда.

Қозоғистон миллий валютаси рус тилидан "қутқарилди"

Қозоғистон ҳукумати миллий валютадаги танга ва пуллари дизайнини ўзгартирди, деб хабар бермоқда "Адилет" нашри. Мамлакат президенти Нурсултон Назарбоевнинг тегишли фармони билан энди қозоқ валюталарида рус тилида ҳеч қандай ёзувлар бўлмади.

Ҳужжатда ёзилишича, танга ва банкноталар дизайнида давлат тилидаги матнлардан фойдаланилади. Инвестицион ва коллекция тангаларида хорижий тиллардаги матнлардан фойдаланишга имкон берилди.

Эски қоидаларга кўра, шу вақтгача рус тилидаги ёзувлар билан муомалага чиқарилган қоғоз ва танга пуллари эса ўз кучини йўқотмайди, мамлакат валютаси сифатида фойдаланишга имкон берилди.



сабаби мукофот кўмитаси "бу китобни Фридманнинг энг муҳим ва ёрқин ютуқларидан бири" сифатида эътироф этади. Бироқ Шварц ва Фридманнинг пул сиёсати ва унинг бизнес муҳитига таъсири ҳақидаги қарашлари нафақат академик гуруҳлар, балки бутун дунё эътиборини ўзига тортади. Натижанда саноати ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари ҳам иқтисодиётдаги ўзгаришларни самарали тартибга солиш учун уларнинг қарашларидан фойдаланиб, монетар сиёсат бўйича туб ислохотларга қўл уришади.

Элино́р Остро́м (1933-2012 йй.)



Элино́р Остро́м иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотини олган дунёдаги ягона аёлдир. Қизиғи шундаки, у олий иқтисодий таълимни тугалламаган, аксинча сиёсий фанлар бўйича дипломига эга бўлган.

Остром ўз илмий иши орқали одамлар гуруҳлари умумий мулкни



ХУСНИЯ
(Умида Худойберганова)

“... ХУСНИЯНИНГ (Умида Худойберганова) шеърларида руҳият манзаралари, қалб талпинишлари, ниҳоят нозик, дардли лаҳзалари ифодаланганига гувоҳ бўлдим. Шоиранинг ҳислари учар юлдузнинг нурли изидай ялт этиб қалбингизни “чизиб” ўтади...”

Нажмиддин Комилов,
филология фанлари
доктори, профессор

УФҚ ЛОВИЛЛАБ ЁНА БОШЛАДИ

Севги гадолари — соғинчлар
Юрагимдан изн сўрдилар.
Ва хуржунин елкага ортиб,
Девонавор уфққа кетдилар.
Уфқ ловуллаб ёна бошлади...

АЁЛ

Юзида ғамларнинг сояси қуюқ,
Хонада мудрайди ёлғиз бир жувон.
Сезилар недандир бағри хун, қуюқ
Сочлари сочилиб ётар паришон.

Мен оёқ учиди кираман секин,
Чўчимасин дея ғамгин бу ҳаёл.
Ўнгида бўлмаса тушида сокин,
Орзусига етишсин аёл.

ШУКРОНА АЙТАДИ ОНАМ

Барчага бахт улашиб чарчаган Куёш,
Менга ета олмай уфққа ботади.
Яна ғамни бағримга босиб,
Уйимга қайтаман.
Уйимда... Шукрона айтади онам,
Ўтган каби мен юрган йўлдан.

Муҳаббатнинг кўзларида ёш,
Қайтиб бердим мукофотини.
Мен бир қайсар, мағрур эди у,
Бўзлаб қолди боладай туйғу.
Жим кетди у айтилмай изҳор,
Бир-биримиз севиб юрдик жим.
Жим гаплашдим, жим сирлашдик,
Жим...
Шу жимликка кўмилди юрак.

“АЙИҚ БОЛА” ИЗТИРОБИ

Истироҳат боғида ўйин-кулгу авжида. Чархпалаклар айланади. Ҳар томонда турли мусиқалар садоси янграйди. Болаларини етаклаган оналар, оталар. Қий-чув, барча бахтиёр... Биргина маҳзун — Анвар. У улкан оқ айиқ ниқобида. Ниқоб шунақанги иссиқки, асло чидаб бўлмайди. Ташқари эллик даража бўлса, ниқоб ичи етмиш даража бор-ов.

“Айиқ бола”нинг вазифаси турли қилиқлар кўрсатиш, эркатойларни бирга суратга тушишга кўндиришдан иборат. Баъзан боши айланиб, кўнгли озиб кетади. Тантиқ эркатойларнинг парвойи фалак. Сураткаш Нурали ўта худбин одам. Фойданинг асосий қисмини олади, лекин Анварни ҳоли жонига қўймайди. Бечора четга чиқиб, нафасини ростламоқчи бўлади, лекин сураткаш курғур, қани имкон берса.

— Болам, кўшимча иш оляпман. Паркка бормай кўяқол.

— Йў-е, ўрганиб қолганман.

Қаерда ўрганади? Иссиқ тулупни кўрса кўнгли ағдарилади-ю. Наилож. Тушумли аттракционларни учар тенгқурлари эгаллаб олган. Уларнинг қўлида пул ўйнайди. Анвар ҳам бир-икки ҳаракаат қилди, бўлмади. Шундай пайтда ёлғизлиги билинади.

— Ойи, ўзи завхозлик ҳам сизга оғирлик қилади. Чо-



Насиба АБДУЛЛАЕВА
Ўзбекистон Республикаси
“Халқ таълими аълочиси”,
“Ёшлар овози” газетасида
ишлайди.

ўхшаш олти-етти ёшлардаги болакай... Анвар уларга пешвоз чиқди. Ўғилча “Айиқ бола”ни кўриб хурсандлигидан сакраб кетди. Дадаси эса, Нуралидан суратга олишини сўради.

— Бизнинг тойчоқ Айиқнинг олдида турсин, — дея сураткашга ғоя берди у.

“Айиқ ҳам сизнинг дилбандингиз, дада, — ичиди сўзлади Анвар, — фақат ёдингиздан чиққан, неча йил бўлди мени унутганингизга. Байрам, туғилган кунларимда неча бор йўлингизни пойлаганман”.

— Эҳ, кун эрталабдан ёндирман дейди-я, — деди дадаси юзидаги терларини артиб, тайёр бўлган суратларни оларкан. — Айиқ оғайни, роса исиб кетсанг керак, ҳаммадан ҳам сенга қийин.

“Албатта, қийин, дада. Менга қанчалар қийин бўлганини айтсам, дoston бўлади. Отасизлик, айниқса, ўғил бола учун қийин. Ўғил бола отадан чексиз қувват олади. Яхши ишми-ёмонми, ўғримми-тўғримми, ўғилга ота сув ва ҳаводек зарур, дада. Мана эрқа ўғлингизни олиб юрибсиз. Онам иккинчи мени паркка олиб борганмисиз?! Эсимни таниганимдан жиққамушт жанжалингизнинг, ғурбатли кунларингизнинг гувоҳи бўлдим. Бир-бирингизни тушуниб яшаганингизда мен ҳам “Айиқ”қа айланмасдим, дада, — ичиди бўзлади Анвар. — Дада, қонимиз бир, ахир, пушти камарингиздан бўлганман, менга қанчалар қийин бўлаётганини савқи табиий, ички сезгингиз, бутун вужудингиз билан ҳис қилиб турибсиз. Сизни жуда яхши кўраман, дадажон!”

... Учовлонинг ортидан “Айиқ бола” изтироб билан термулиб қолди.



Шу лаънати ниқобни отиб, қиймалаб ахлатга улоқтиргиси келади-ю, онасини ўйлайди. Мактабда хўжалик ишлари мудури бўлиб ишловчи онанинг топгани нима бўлади?! Еб-ичиш, кийим-кечак, коммунал тўловлар... Дадаси жўнатадиган алимент тўхтаганига ҳам йил бўляпти.

Анвар тенгилар ҳозир олийгоҳларда ўқияпти, отаси “бакуват”лари савдо дўконларини юртияпти.

Кеч қурун паркдаги шовқинлардан қулоқлари битиб, холдан тойиб, аранг уйига етиб олади. “Улганнинг устига тепган” деганларидек, онаси унга қараб баъзан йиғлаб юборади.

— Қордек оқариб кетибсан, болам. Қувватинг ҳам камайиб кетган-да!

Онаси ўзи емай, топганини боласига асраб ўтиради. Анвар волидасининг қанчалар сиқилаётганини ич-ичидан ҳис этади.

па-чопи кўп. Кўшимча иш олманг. Балким бошқа иш топарман.

Эҳ, бошқа иш топиш осонми?! Яхши ишни таниш-билишсиз топиб бўлмайди.

Тонггача ичи куйиб, тинмай сув ичади. Уринда ётиб, ўйга ботади. Онасини ёмон кўриб кетади. Дадаси билан ажрашмаганда ҳаёти яхши бўлармиди? У ҳам ўртоқлари каби тўқис яшарди. Баъзида синфдошлари асаниб, севган қизлари билан паркка келади. Анвар овоз чиқармайди, ўртоқлари таниб қолишдан хижолат чекади.

Эрталаб зилдай бошини кўтариб ишга жўнади. Яна шовқин, гумбур-гумбур... Ниқобни кийиб, Нуралига яқинлашди. У Анварга қараб имлади. Бу ишора “Клиент”га қара!” дегани. Ногоҳ келатган таниш чеҳрага кўзи тушди. Дадаси! Ёнида оқ-сарикдан келган сулув аёл, дадасига икки томчи сув каби

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!!!

Адабиётнинг ўз жозибаси, сеҳри, оҳанрабоси бор. Унга асир бўлмаган қалб топилмаса керак.

Барча соҳада бўлганидек банк ходимлари орасида ҳам умид билан ўзларини ижодда синаб юрган ходимлар кўплаб топилади. Биз ана шу ижодкорларни сиз азиз ўқувчиларга таништириш мақсадида уларнинг шеър ва ҳикоя машқларини “Мутолаа” саҳифасида ёритиб боришни ва шу асосда танлов ўтказишни режалаштирдик. Асарлари кўпчилик этирофига сазовор бўлган ижодкорларга тахририят томонидан махсус мукофот ва совғалар топширилади.

Тахририят.



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

“Norma Hamkor” МЧЖ

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

ЎЗА

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 23-уй e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz телеграм каналими

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи “Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ Газета тахририятининг техник ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси”да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кунни чиқари.

Буюртма № г 303

Адади 2685 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 6.03.2019 й.,

1 2 3 4 5 г

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.